

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 1 (504) 2006 йил 4 январ

Ўқувчилари "Банк ахборотномаси" газетаси

Ўқувчилари ҳамкасаблар!

Авваламбор, барчангизни кириб келган янги 2006 йил билан чин кўнгилдан муборакбод этаман.

Ҳар биримиз Янги йилни эзгу ниятлар, улуғвор мақсадлар билан қаршилар эканмиз, тарих саҳифаларидан жой олган 2005 йил ҳаётимизда қандай из қолдирганини яна бир қарра ҳаёлдан ўтказамиз.

Шунинг билан қайд этишимиз жоизки, ўтган йил мамлакатимиз банк тизими учун самарали, барқарор ривожланиш йили бўлди. Пул-кредит сис-темадаги ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда мак-роиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ўсиш суръат-ларини мустаҳкамлади. Миллий валюта барқарорли-гини мустаҳкамлаш борасидаги сабъ-ҳаракатларимиз инфляция даражаси мўлжалланган даражада бўлиши-ни таъминлади.

Банк тизими асосий кўрсаткичларининг изчил ўсиш суръати миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти ва ра-қобатбардошлигини оширишда муҳим ва салмоқли ўрин тутди. Тижорат банклари капиталининг, кредит қўйил-маларининг ўсиш тенденцияси бу йил ҳам сақланиб қолди. Тадбиркорлик тузилмаларига ажратилган кредитлар асо-сан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилганлиги мамлакатимизда инвестицион муҳит ва фаолликнинг ошишини таъминлади. Истеъмол кредитлари кўламининг ошиши маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қув-ватлаш ва салоҳиятини оширишга хизмат қилди.

Замонавий банк тизimini яратиш борасида ҳам му-ҳим қадамлар қўйилди. Банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига оид қонунчилик базаси мустаҳкамланди, янги технологиялар, энг илғор халқаро стандартлар амалиёт-га татбиқ этилди, банк тизими инфратузилмаси кен-гайтирилди. Аҳолига, тадбиркорлик субъектларига қулай ва тезкор хизматлар кўрсатиш учун олис қишлоқларда ҳам янги мини-банклар ташкил этилди.

Банк тизimini эркинлаштириш, нақд пул муомаласи-ни тартибга солиш борасида кўрилган чора-тадбирлар ўзи-нинг ижобий самарасини бермоқда. Бугун юртимизда де-мократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта ўзгаришлар, биринчи навбат-да, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётга-нида, банклар хизматидан фойдаланувчилар сонининг мутта-силлашиб ошишида, ишбилармонларимиз эса тижорат бан-кларига ўзларининг ишончли молиявий ҳамкори сифатида қараётганида яққол намоён бўлмоқда.

Ўйлайманки, ўтган йили қўлга киритилган ютуқла-римиз 2006 йилдаги ва яқин истиқболдаги иқтисодий ўсиш, банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг асо-си бўлиб қолади. Мана шундан келиб чиқиб, миллий банк тизimini мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оши-ришнинг кучли ва самарали бўғинига айлантиришга қара-тилган режалар белгиланганмиз. Бу режалар банк омон-атчилари ва мижозлар манфаатларини ҳимоялашни ку-чайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик тузилмаларининг бўш пул маблағларини банк оборотида кенгроқ жалб этиш, тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш, уларнинг иқтисодиётини эркинлаштириш, глобаллашув жараёнида молия бозоридаги рақобатбардош-лигини ошириш, инвесторлар, кредиторлар ва омонатчи-ларнинг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш-дан иборат.

Зиммамиздаги масъулиятни теран ҳис этган ҳолда мана шу олижаноб мақсадлар сари интилсак, шубҳасиз, кўзланган мақсадларга эришамиз. Зеро, банк тизими ҳар қандай давлат иқтисодиётининг асосий бўғинидир, дав-лат хавфсизлиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, халқаро мавқенини ошириш гаровидир.

Белгиланган вазифалар нечоғли катта бўлмасин, улар-ни урдалаш қўлимиздан келади. Бунга йиллар давомида тўплаган тажрибаларимиз, изланишларимиз, ишга бўлган қатъиятимиз ва собитқадамлик тўла асос беради.

Янги йил мамлакатимиз Президенти ташаббуслари бил-ан Ҳомийлар ва Шифокорлар йили, деб эълон қилинди. Бу ташаббус мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг кадр-қиммати юксак ўринга қўйилганлигининг ёрқин ифо-дасидир. Ҳомийлик, саховатли бўлиш халқимизнинг қон-қонига синган ҳислат. Қўли очикнинг йўли очик деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Зеро, ўзгалардан ҳимматини айма-ган ҳар қандай инсон, ҳар қандай ташкилоту муассаса-нинг элу юрт орасидаги мартабаси улуг бўлади.

Янги йил ҳар бир оилага файзу барака, тўкин-сочин-лик олиб келсин!

Эзгу ниятлар, улуғвор мақсадлар доимо йўлдошингиз бўлсин!

Юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин!

Янги йил барчангизга муборак бўлсин!

Файзулла МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси.

БУ СОНДА:

2-3 Сарҳисоблар ва режалар

4 2005 йил давомида «БА»да чоп этилган меъёрий ҳужжатлар

7 Ахборот технологиялари

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 3 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоб-ботларни юритиш, шунингдек, бошхо-на ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	866,19
1 Англия фунт стерлинги	2032,57
1 Дания кронаси	187,34
1 БАА дирҳами	321,53
1 АҚШ доллари	1180,90
1 Миср фунти	206,18
1 Исландия кронаси	18,71
1 Канада доллари	1015,92
1 Хитой юани	146,36
1 Кувайт динори	4044,46
1 Россия рубли	41,02
1 Украина гривнаси	233,84
100 Ливан фунти	78,67
1 Малайзия ринггити	312,49
1 Норвегия кронаси	174,67
1 Польша злотийси	362,22
1 Сингапур доллари	710,23
1 СДР	1687,62
1 Туркия лираси	877,99
1 Швеция кронаси	148,76
1 Швейцария франки	898,84
1 ЕВРО	1397,24
10 Жанубий Корея вони	11,77
10 Япония иенаси	100,49

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 3 январдан ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1195,00	1198,00	1400,00	1420,00
"Асака" банки	1195,00	1198,00	1397,00	1417,00
"Узсанотқурилишбанк"и	1193,00	1198,00	1398,00	1418,00
"Пахта Банк"	1195,00	1198,00	1398,00	1408,00
"Халқ банк"и	1194,00	1198,00	1399,00	1409,00
"Ипотекабанк"	1195,00	1198,00	1400,00	1410,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1196,00	1198,00	1415,00	1423,00
"ЎздЭУбанк"	1188,00	1198,00	1406,00	1416,00
"Ўзприватбанк"	1193,00	1198,00	1398,00	1410,00
"Галлабанк"	1192,00	1198,00	1397,00	1418,00
"Трастбанк" АББ	1196,00	1198,00	1415,00	1417,00
"Алп Жамол банк"	1193,00	1198,00	1412,00	1418,00
"Алоқабанк"	1196,00	1198,00	1398,00	1419,00
"У-Т банк"	1190,00	1198,00	1400,00	1418,00
"Туронбанк"	1195,00	1198,00	1398,00	1405,00
"Равнақбанк"	1196,00	1198,00	1410,00	1430,00
"Савдогарбанк"	1190,00	1195,00	1400,00	1420,00
"Ипак йўли" банки	1196,00	1198,00	1415,11	1417,47
"Тадбиркорбанк"	1197,00	1198,00	1415,00	1417,00
"Туркистон" банк	1196,00	1198,00	1415,00	1418,00
"Даврбанк"	1196,00	1198,00	1409,00	1414,00
"Кредит-Стандарт" банки	1182,00	1198,00	1397,50	1415,00
"Капитал банк"	1196,85	1198,85	1397,40	1418,20
"Содерат банк"	1198,00	1198,50	1400,00	1420,00
"Хамкор" банк	1196,00	1198,00	1398,00	1418,00
"Универсалбанк"	1194,00	1198,00	1412,00	1417,00
"Парвинабанк"	1196,00	1198,00	1400,00	1417,00

"KREDO" – БУХОРОДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви "Kredo" кредит уюш-масига (Бухоро шаҳри) фаолият кўрсатиш учун тегишли лицензия берилишига қарор қилди. Мазкур кредит уюшмасининг фақат пул маблағларидан ташкил топган устав фонди 11,2 млн. сўмдан иборат. "Kredo" кредит уюшмаси асосан, ўз аъзоларига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кредит ресурслари ажратиш, уларнинг маблағлари-ни депозитларга жалб этишга қаратади.

ЯНА БИР ЛОМБАРД ҚАЙД ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 50-моддасига асосан, "Ulug'bek-kredit" масъ-улияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) ломбард фаолиятини амалга оши-риш учун лицензия берди. Жамият кўчар мулкни гаров олиш эвазига мижозларга кредит ажратиш билан шуғулланади.

Марказий банк матбуот хизмати.

УСТАВ САРМОЯСИ КЎПАЯДИ

ХОАТБ "Алп-Жамол банк" 300 млн. сўмлик акциялар эмиссиясини (ҳар бири-нинг нархи 10 000 сўм бўлган 30 минг дона акция) хусусий жойлаштириш (ёпиқ обуна) йўли билан амалга оширишни режалаштирмоқда. Бундан илгарироқ банк акциядорларининг умумий йиғилиши банк устав сармойасини 2,2 млрд. сўмга ет-казишга қарор қилган эди.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.



ЎТГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ

Мамлакатимиз ўз истиқлолини қўлга киритгандан сўнг асосий эътиборини бошқа долзарб соҳалар қатори иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратди ва қисқа мuddатда ўз ривожланиш тамойилларини ишлаб чиқиб, юқори натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Жумладан, ушбу йўналишни ўз ичига қамраб олувчи бир неча соҳа - солиқ, молия ва банк тизимлари яратилган мустақам қонунчилик базаси, қолаверса янги технологиялар ҳамда ривожланган давлатлардан андоза олиш ва тажриба алмашиш эвазига тараққий этиб бормоқда. Буни ҳукуратимизнинг биргина банк тизимига бўлган катта эътиборидан билсак бўлади.

Биз энди тарихга айланган 2005 йил мобайнида айнан банк соҳасида эри-

шилган ютуқлар ва келгуси йил режалари билан ўртоқлашиш мақсадида бир неча банк ходимларини суҳбатга тортиб, уларга куйидаги саволлар билан мурожаат қилишни лозим топдик:

1. Йилни (жамоангиз билан) қандай яқунладингиз?
2. Банкингизда жорий қилинган янги банк маҳсулотлари?
3. Мижозлар билан ишлашда асосан нималарга эътибор берасиз?
4. Одатда Янги йил байрамини қандай кутиб olasиз?
5. Фидойилик ва масъуллик тушунчаларини қандай изоҳлайсиз (ўз фаолиятингиз асосида)?
6. 2006 йилги режарингиз?
7. Хоббингиз, ширингиз?
8. Байрам тилақларингиз?

МАСЪУЛЛИК — РАҲБАРИЯТ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШДИР



Худойназар ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки "Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи" Департаменти директори.

Куни кеча тугаган йил биз учун сермахсул бўлганлигини қайд этиб ўтмоқчиман. Жамоамиз барча аъзолари Халқ банки тизимида асосий молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, даромадлиликни ошириш, ҳисоб ва ҳисоботларни такомиллаштириш ва уларни халқаро стандартлар талаби даражасига чиқариш борасида самарали меҳнат қилишди.

Гарчи, Халқ банки тизимида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш борасида катта янгилик яратилмаган бўлса-да, банк операцияларини тизим доирасида назорат қилиб бориш бўйича филиалларда бир қатор янги дастурий ишлар жорий қилинди.

Маълумки, Халқ банки - оилавий банк бўлиб, унинг асосий миқозларини жисмоний шахслар ташкил этади. Мана шуларни ҳисобга олиб, биз миқозлар билан ишлаш-

да асосий эътиборни муомала маданиятига қаратамиз.

Одатда янги йилни иш фаолиятимизда эришилган натижаларни қайд этиш, йўл қўйилган камчиликларни сарҳисоб қилиш ва келажакда фақат юқори кўрсаткичларга эришиш ниятлари билан кутиб оламиз.

Фаолиятимга нисбат бериб гапирадиган бўлсам, фидойилик - бу миқоз учун қўшимча куч сарфлаш, алоҳида вақт ажратиш демакдир. Раҳбарият билдирган ишончни оқлаш ва уни суистеъмол қилмаслик масъулиятли бўлишнинг биринчи белгиси деб ҳисоблайман.

2006 йилга мўлжалланган режалар бисёр. Аввало, банкимиз иқтисодий барқарор, молиявий жиҳатдан мустақам ва энг ишончли банклар қаторидан муносиб ўрин олишини таъминлаш, шунингдек, у ҳақиқий "оила банки" сифатида шаклланиши учун ўз ҳиссамизни қўшиш ҳамда банк тизимида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш ва бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг энг маъқул томонларини банкда татбиқ этишни жадаллаштиришдан иборат.

Севимли машғулоти - дўстларим билан волейбол ўйнаш. Бироқ, кайфиятимга қараб машғулоти ҳам ўзгариб туриши мумкин. Яъни, баъзида кўнгул мумтоз кўшиқлар тинглашни истайди. Вақти-вақти билан эса, оилам учун дала саёҳатларини ҳам уюштириб тураман.

Шириним - қўлингдан келса фақат яхшилик қил.

Кириб келган Янги йил юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик келтирсин. Иқтисодиётнинг энг муҳим бўғини сифатида банк тизими янада ривожлансин, бақувват банклар сони кўпайсин, янги банк маҳсулотлари татбиқ этилиб, миқозларнинг ишончи янада ортаверсин.

ҲАВАС ҚИЛИБ ЯШАЙЛИК...



Отапбек ОЛЛОБЕРГАНОВ, "Ўзсаноатқурилишбанк" "Стратегия ва маркетинг" бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Ўтган йил давомида асосий фаолиятимиз банкининг бизнес ва стратегик режалари бажарилишига қаратилди. Департамент ва бошқармалар билан биргаликда асосий эътиборни банк бошқаруви томонидан олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни ўз мuddатда, тўла-тўқис адо этишга қаратдик. Ушбу ижро интизомига тўлиқ амал қилинганлиги боис барча кўрсаткичлар ортғи билан бажарилди.

Банкиннинг ҳар бир янги маҳсулоти аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини назарда тутиб, бугунги кундаги молия бозорини ўрганган ҳолда ҳамда рақобатчи банкларнинг бу бордаги фаолиятидан хабардор бўлиб ишлаб чи-

қилади. Биз бу қридага амал қилиб, ўтган йил давомида аҳолига энг қўлай ва фойдали бўлган банк хизматларини таклиф қилдик. Бунга янги ва юқори фойзли "Наврўз", "Шодлик", "Олтин куз", "Янги йил тухфаси", "Барак" номли жамғариладиган ва мuddатли омонат турларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, кириб келган Янги йил арафасида "Байрам совғаси" номли янги омонат турининг таклиф қилинганлиги юртдошларимизга ҳақиқий совға бўлди, десак муболага бўлмайди. Бундан ташқари, барча субъектларимиз жойларда ўзларига керакли молларни нақд пулсиз харид қилиши учун "VISA BUSINESS" пластик карточкалари таклиф этилмоқда.

Ҳар йили Янги йил киришидан олдин ота-онам, ака-сингилларим ва барча яқин дўстларимни байрам билан табриклашга ҳаракат қиламан.

Фидойилик ва масъуллик ҳар бир инсонда ўз касбига бўлган муҳаббати орқалигина намоён бўлади.

Келгуси йилда бошқармаимиз ходимлари билан биргаликда банкнинг бизнес ва стратегик режаларини ишлаб чиқиш ҳамда миқозлар учун янгидан-янги хизмат турларини жорий қилиш.

Одатда, дам олиш кунлари балиқ овига бораман.

Ҳаётий шириним - "Яхшиларга эргашиб, ҳавас билан яшаш".

Байрам табриғи сифатида барча эзгу тилақларимни Сизларга йўллаб қоламан.

ҚАНЧА КўП БИЛСАМ, ШУНЧА КАМ



Эркин ЗОҲИДОВ, "Ипотека банк" АТИБ Тошкент шаҳар филиали бошқарувчиси.

Ўтган 2005 йил банкимиз учун жуда омадли келди, десам муболага бўлмайди. Йил бошида Юртбошимизнинг Қарорига асосан республикамизда уй-жой қурилишини кредитлаш тизимини ривожлантриш мақсадида ДА "Уй-жойжамғармабанк" ва "Заминбанк" негизида акциядорлик-тижорат "Ипотека банк"и ташкил этилди. Унинг миқозларини кўпайтириш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Булар эса ўз навбатида банкимизнинг республика банк хизматлари бозоридаги мавқеи янада мустақамланишига таъсир этди.

Бугунги кунда миқозлар учун кўпгина янги банк хизматлари жорий этиб келинмоқда. Аҳолига бериладиган истеъмол кредитларидан "Автокредит", уй жиҳозлари ва асбоб-ускуналар харид қилиш, дам олиш ва даволанишга қаратилган, тўй маросимларини ўтказиш учун ажратилган кредитлар ҳамда олий ўқув юртларида тахсил олувчи талабалар учун таълим кредитлари, шунингдек янги татбиқ

қилинган ипотека кредити шулар жумласидандир.

Раҳбар сифатида барча ходимларимиздан фаолият жараёнида миқозларга тез ва соз хизмат кўрсатишни талаб қиламан.

Анъанага кўра, банк биносида катта арча ясатилади.

Ҳар бир бўлим ходимлари ўз хоналарини байрам шукуҳини берувчи безаклар билан бойитади. Бу эса ўз навбатида банкка ташриф буюрувчи миқозларнинг кайфиятини кўтаради.

Фидойилик деганда, юрт ташвиши билан яшаш, халқ манфаатлари учун хизмат қилишни тушунаман.

Масъуллик - касбнинг, ишнинг ўзи, қолаверса жамият учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳис этиш ва шунга яраша ҳаракат қилишдир.

Ҳар бир банк ўз миқозларига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга яхши фойда олишни ҳам мақсад қилиб қўяди. Хусусан, бизнинг "Ипотека банк" ҳам.

Ўтган йилги режалар яхши натижалар берганлиги боис, янги 2006 йил учун ҳам пухта банк лойиҳаларини ишлаб чиқдик. Улар ўз ижобатини топади, деган умиддамиз.

Хоббим - спорт. "Қанча кўп билсам, шунча кам", шириним эса мени тинимсиз изланишлар сари етаклайди.

Республикамиз банк тизими учун ўтган йил самарали кечди. Янги 2006 йил банк учун янада фойзли, янада хайрли келсин. Барча ҳамюртларимизнинг ишларига ривож, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилаб қоламан.

ҲАЁТ — БУ ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШ ВА САЪЙ-ҲАРАКАТ ДЕМАКДИР



Равшанбек ОТАЖОНОВ, "ЎздЭУ банк" ОАЖнинг газначилик бўлими дилери.

Ўтган 2005 йил ҳаётимдаги унутилмас йиллардан бири бўлиб қолди. Чунки, мен шу йили олий ўқув юртини таомлаб, юртимиздаги халқаро банкларнинг бири - "ЎздЭУбанк"ка ишга кирдим. Ортда қолган молиявий йил жамоамиз учун ҳам муваффақиятли бўлди. Шу йил давомида банкимизда бир қанча ўзгаришлар бўлиб, янги мукамал стратегик режалар тузилди ва жамоамиз томонидан тўла-тўқис амалга оширилди. Натижада, банкнинг молиявий ҳолати ўтган йилга нисбатан анча яхшиланди.

2005 йилдан бошлаб банкимизда миқозларга лизинг асосида техника ва асбоб-ускуналар бериш хизмати ишлаб чиқилиб, унинг амалга оширилиши таъминланди. Бундан ташқари, миқозларимизни SWAP операцияси орқали маблағ билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Биз асосан миқозларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Бунга эса

Қонун доирасида хизмат кўрсатиш билан эришмоқдамиз. Ушбу олиб борилаётган ишлар натижасида ўтган ярим йил ичида миқозларимиз сони 38 фоизга ошди.

Янги йилда мен ўзимга, қолаверса яқин инсонларимга унутилмас онларини инъом этишни хоҳлайман ва шунга чин кўнгулдан ҳаракат қиламан.

Фидойилик ва масъулиятлилиқ тушунчаларига изоҳни мен узоққа бормасдан, ўз ҳамкасбларимдан қидирдим. Нафақат жамоамиз, балки барча шу соҳа ходимларидан ўз ишининг ҳақиқий жонкуярлари ҳисоблар экан. Улар бошқа соҳа ходимларидан фарқли ўларок, гарчи, иш вақти (соати) тугаб кетса-да, ўз зиммаларидаги вазифаларини охирига етказмагунча банк биносини тарк этмайдилар.

Банкимиз 2006 йил учун жуда пухта лойиҳаларни ишлаб чиқди. Бундан ташқари, жамоамиз банкининг FOREX ва қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини муваффақиятли таъминлашни аниқ мақсад қилиб олган.

Мен учун ҳаёт - бу тинимсиз изланиш, саъй-ҳаракат демакдир. Менинг деярли бўш вақтим бўлмайди. Бироқ, баъзи пайтлар қизиқишларим (хоббим) устун келиб қолади. Шунда бўш вақтимни илмий-оммабоп китоблар ўқишга сарфлайман.

Фурсатдан фойдаланиб барча ҳамкасбларим, қолаверса, йил давомида биз билан баравар ишлаб келаётган "Банк ахборотномаси" газетаси жамоасини қириб келган янги 2006 йил билан муборакбод этаман. Доим эзгулик сари интилган қалбингиз дарз кетмасин.

ВА ЯНГИ ЙИЛ РЕЖАЛАРИ

ТАРАККИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ ҚЎЯЙЛИК



Жамшид СОИПОВ,
АТ "Пахта Банк"нинг юридик
бошқармаси бош мутахассиси.

2005 йил биз учун баракали келди. Чунки кузатган йилимизда банкимиз ҳаётнинг барча соҳаларида сезиларли даражада яхши натижаларни қўлга киритди. Буни биз айнан "Пахта Банк"нинг республика миқёсида топган обрў-эътибори ҳамда фуқаролар орасида қозонган ишончидан билсак бўлади.

Банкимизда мижозларнинг талаб ва таклифларини инобатга олиб, улар учун турли хилдаги хизматлар йўлга қўйилган. Хусусан, 2005 йил давомида банкимиз томонидан корпоратив пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш, янги турдаги "Traveler" тизими бўйича халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш каби янги хизмат турлари жорий қилинди. Шунингдек, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқарти-

риш мақсадида ҳозирги кунда энг юқори бўлган 37 фоизли ҳамда хорижий валютадаги муддатли омонат турлари жорий қилинди.

Мижозлар билан муносабатимизда биринчи ўринда ўзаро ишончлик ва ростгўйлик тамойилларини асосий мезон қилиб олганмиз. Шахсан мен улар билан муносабатда бўлганимда ўз вазифамга амал қилган ҳолда ҳуқуқий асослар билан иш кўраман.

Байрамни имкон қадар ўз оилам билан кутиб олишга ҳаракат қиламан. Бу мен учун жуда муҳим ва мароқли, албатта.


Мен фидойилик ва масъуллик тушунчаларини бир-биридан айри тушунолмайман. Чунки фидойи одамгина масъулиятни тўла-тўқис ҳис қила олади.

Ҳуқуқшунос сифатидаги режаларим зиммамдаги вазифалар билан уйғунлашиб кетган. Яъни, банк манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг фаолиятидаги барқарорликни сақлаш ҳамда банк бошқарувида сифатли ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш ва 2005 йилда йўл қўйилган баъзи бир хатокамчиликларимизни келгуси йилда такрорламасликдир.

Билъярд ўйнаб чарчоғимни ёзаман. Ахир, ишлаган киши дам олишни ҳам билиши керак-ку.

Шу юртнинг оддий фуқароси сифатида юртдошларимизга фақат яхшиликни, рўзгорларига тўкин-сочинликни, жисму жонларига саломатликни тилаб қоламан.

ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ АҲД, ОРЗУЛАР ЯНГИ...



Жалолiddин НОРҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Самарқанд
вилоят Бош бошқармаси
"Кичик бизнесни
қўллаб-қувватлашни
мувофиқлаштириш" бўлими
етакчи иқтисодчиси.

2005 йил мен учун янгиликларга бой йил бўлди, десам адашмайман. Чунки, банк соҳасига шу йил қадам қўйдим. Жамоамиз жуда аҳил. Биз бўлимимиз ходимлари билан 2005 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнесга берилган кредитларни биринчи бора чуқур таҳлил қилиб, банк соҳасига тааллуқли бўлган статистик кўрсаткичлар ва хориж амалиётидан кенг фойдаланган ҳолда ўз презентациямизни яратдик ва уни республика Марказий банки кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш департаментига тақдим қилдик.

Ўзим туғилиб ўсган Янгиқўрғон қишлоғи менга доим ботиний сокинлик бахшида этади. Шу боис имкон топилди дегунча у ерга шошаман. Янги йилни пиру бадавлат ота-оналаримизнинг дуолари билан қарши олишга нима етсин.

Фидойиликнинг турлича кўринишлари мавжуд: касбга нисбатан, Ватанига, ўз бурчига (фуқаролик, фарзандлик, ота-оналик бурчи) нисбатан фидойилик. Энг қизиғи шун-

даки, фидойиликни ҳар бир инсон ўз исмига қўшиб олишни хоҳлайди. Бироқ, ҳар ким унинг юкини кўтаролмайди.

Масъуллик эса - ўзига топширилган вазифанинг тўла бажарилиши учун жавобгар эканлигини англаш. Бунда ҳар бир инсон ўзини занжирнинг бир ҳалқаси деб билиши ва унинг қайси ҳалқаси заиф бўлса ўша еридан ўзилиши мумкинлигини тўла ҳис қилиши керак.

Ёш кадр, қолаверса янги ходим сифатида жамоамнинг ишончини оқлаш учун жуда кўп режаларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйганман. Аввало, танлаган касбим - банк соҳасини чуқур ўрганиш. Хусусан, мамлакатимиз банк тизимига имкон қадар янгиликлар киритиш ва уни ривожлантиришга (шу юрт фарзанди, шу соҳа мутахассиси сифатида) ўз ҳиссамни қўшишдан иборат.

Сиз бўш вақтимда шуғулланганин сеvimли машғулотиمنى назарда тутаяпсиз, шекилли:

*Пайгамбар Исодан қолган Янги йил,
Дунёни қувончга солган Янги йил,
Кўнгилларга ўзгача шодлик бахш этиб,
Дилдан эски ғамни олган Янги йил.*


Болалигимдан мустақил шеър машқ қиламан. Кунимнинг ишдан ортган қисмини эса буюк шоирларнинг шеърларини мутолаа қилишга бағишлайман.

Юртдошларимга, ҳамкасбларимга тилакларимни ўзимнинг қуйидаги шеърим орқали етказмоқчиман:

*Юртим чекинмагин ортингга фақат,
Орқада ғам қолсин, олдинда роҳат.
Янги йил кунинда ижобат бўлсин,
Янги бир давлатнинг нияти, албат.*

*Янги йил, янги аҳд, орзулар янги,
Ўн иккига урди соатнинг бонги.
Ушбу овозларга қўшилиб кетсин,
Мустақил авлоднинг қадах жаранги.*

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС — БАНК ТИЗИМИ КЎЗГУСИ



Иброҳим МИРЗАМУРОДОВ,
РАТБ "Фаллабанк"нинг
ҳодимлар билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи.

Маълумки, ҳар қандай банк фаолияти ва унинг барқарор ривожланиши энг аввало юқори малакали мутахассисларга боғлиқ.

Банк тизимининг сўнгги йиллардаги ривож бевосита банклар томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш борасида рақобатни юзага келтирган бўлса, унинг рақобатбардошлиги, ўз навбатида кадрлар салоҳиятига боғлиқ бўлади. Шунинг учун 2005 йилда "Фаллабанк" раҳбарияти банк ходимларининг малакасини ошириш учун уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берди. Ўтган 2005 йил давомида банкнинг 350 нафардан ортиқ турли тоифадаги му-

тахассиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги ўқув маркази, минтақавий банк ўқув маркази ҳамда Банклар ассоциациясида ташкил этилган ўқув курсларида қатнашди. Шунингдек, 6 нафар банк ходими Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси ва Банк-молия академиясида таҳсил олди.

Мен фидойилик ва масъуллик тушунчаларини бир-бирига боғлиқ деб ҳисоблайман. Чунки менимча, ҳар бир инсон қайси лавозимда ва қайси бир корхонада ишлашдан қатъи назар, ўз ишининг фидойиси бўлиши лозим. Ўз касбига фидойи бўлган инсон ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашади.

Биз аввалги йиллардаги тажрибаларимиздан фойдаланиб, келгуси йилда ҳам банк ходимлари малакасини ошириш, уларни замонавий банк хизматлари билан таништириш, банкларнинг иш тажрибаларини ўргатиш мақсадида банкнинг азаллий ҳамкорлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, минтақавий банк ўқув марказлари билан узвий алоқа ўрнатишни режалаштирганмиз.

Келаётган йил ҳаммага муваффақият олиб келсин. Соҳа ходимларини куч-ғайрат тарк этмасин.

Янги йил байрамининг бошқа байрамлардан фарқи шундаки, у жуда узоқ тарихга эга бўлиб, бутун дунё халқлари уни нишонлайди. Ҳар бир миллатнинг турмуш тарзи, урф-одатлари бир-биридан фарқ қилганидек, ушбу байрамнинг ўтказилишида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Масалан, жуда кўп давлатларда (асосан Европадаги) байрам тантаналари декабр ойининг иккинчи ярмидан бошланиб, январнинг биринчи ярмигача давом этади. Юртимизда эса Янги йил байрамининг асосий куни 31 декабр ҳисобланиб, Янги йилни ҳар ким ўз оила аъзолари даврасида кутиб олади.

Биз учун энг муҳими Янги йилнинг қаерда қандай нишонланиши эмас, балки унинг инсон руҳиятига таъсири, тароватидир. Хусусан, байрамни барча инсонлар ўз ташвишларини унутиб, янги-янги умидлар, ниятлар, режалар билан кутиб олишади. У ҳам ўзининг оппоқ қорлари билан ташриф буюриб, кўнгилда бор ғуборларни олиб кетади.

Юқорида биз банк соҳасининг бир неча ҳақиқий фидойи ходимлари томонидан айтилган байрам тилакларини эътиборингизга ҳавола қилдик. "Банк ахборотномаси" жамоаси уларга ўз миннатдорчилигини билдирган ҳолда барча Ўзбекистон аҳлини, қолаверса газета ўқувчилари бўлган банк соҳасининг жонкуярларини унутилмас айём - Янги йил байрами билан муборакбод этади. Ушбу "Ҳомийлар ва Шифокорлар йили"да саломатлик ва шоду хуррамлик ҳамроҳингиз бўлишини чин кўнгилдан тилаб қолади!



2005 ЙИЛ ДАВОМИДА “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ГАЗЕТАСИДА ЧОП ЭТИЛГАН МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

T/p	ҲУЖЖАТНИНГ НОМИ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ САНАСИ	Газета сони		
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ				
1.	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида. 2004 йил 3 декабр	1		
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ				
1.	Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизimini такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида. 2005 йил 15 июн (100-сон)	31		
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ				
1.	Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил 14 июн (3618-сон)	31		
2.	Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил 14 июн (3619-сон)	31		
3.	Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил 20 июн (3620-сон)	31		
4.	Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида. 2005 йил 24 июн (3622-сон)	31		
5.	Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил 5 октябр	41		
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ				
1.	“Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида. 2004 йил 3 декабр	1		
2.	Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида. В23 2005 йил 26 сентябр (215-сон)	40		
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ				
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ				
1.	“Ўзағромашсервис” уюшмаси МТПнинг 2005 йил ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини тўлаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2005 йил 4 июн (1479-сон)	27		
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ҚАРОРЛАРИ				
1.	Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. 2004 йил 27 ноябр № 25/3 (N 60-2)	1		
2.	Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида. 2004 йил 29 ноябр	1		
3.	Тижорат банклари томонидан фермер ҳўжалиklarини, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (1345-1-сон). 2004 йил 31 декабр	3-4-5, 7		
4.	Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома хати. 2005 йил 31 январ (17-30/115-КХ)	12		
5.	“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари кўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг янги тахририни тасдиқлаш ҳақида. 2005 йил 10 март (1455-сон)	15		
6.	“Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва жазолар тўғрисида Низом”га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. 2005 йил 18 март (622-2-сон)	15		
7.	Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида. 2005 йил 18 март (1183-1-сон)	15		
8.	Капитал ҳаракати билан боғлиқ алоҳида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида. 2005 йил 18 март (1457-сон)	16		
9.	Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. 2005 йил 22 март (1448-1-сон)	16		
10.	“Тижорат банклари кредит сибсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга қўшимчалар киритиш ҳақида. 2005 йил 28 май (905-1-сон)	26		
11.	Банкларнинг олдий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2005 йил 30 май (1477-сон)	26		
12.	Ўзбекистон-Туркменистон чегара ҳудудини кесиб ўтишда тўланадиган рўйхатга олиш йиғими учун маблаг берилиши тартиби тўғрисидаги Муваққат низомни тасдиқлаш ҳақида.	26		
13.	“Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”. 2005 йил 10 июн (1448-2-сон)	28		
14.	“Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида. 2005 йил 13 июн (571-4-сон)	28		
15.	Ўзбек Давлат акциядорлик “Уйжойжамғармабанк”и орқали уй-жой сотиб олиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида қарор ва унга киритилган қўшимчалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида. 2005 йил 13 июн (571-4-сон)	28		
16.	“Тижорат банклари капиталининг етарлигини а қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида. 2005 йил 12 май № 10/1	28		
17.	“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари кўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида. 2005 йил 27 июн (1455-1-сон)	28		
18.	Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2005 йил 10 июн (632-1-сон)	28,29		
19.	Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида. 2005 йил 16 июл (15-3-сон)	32		
20.	“Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги Йўриқнома”нинг янги тахририни тасдиқлаш тўғрисида. 2005 йил 11 июн (13/5-сон)	32		
21.	Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2005 йил 20 июн (773-19-сон)	33		
22.	Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бўнақлашда “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси” маблаглари ҳисобидан бўнақ тўловларини амалга ошириш тартибини бекор қилиш тўғрисида. 2005 йил 11 август (74-сон, 16/9-сон)	33		
23.	“Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомни (янги тахрирда) тасдиқлаш тўғрисида”. 2005 йил 11 август (1508-сон)	34		
24.	Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомни (янги тахрирда) тасдиқлаш тўғрисида. 2005 йил 20 август (1509-сон)	35		
25.	“Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотилишига оид шартномалар бўйича ҳорижий валютадаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк қафолатларини бериш ва захира (резерв) аккредитивларини очиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”. 2005 йил 20 сентябр (1512-сон)	39		
26.	Импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва ҳўжалик субъектларининг ўз валюта маблаглари ҳисобидан импорт тўловни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида. 2005 йил 4 октябр (1514-сон)	42		
27.	Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захиралар фондига депонентлаш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. 2005 йил 17 сентябр (1444-2-сон)	42		
28.	Тижорат банкларида касса ишнини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир Йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. 2005 йил 20 август (18/6-сон)	44		
29.	Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби, ҳисобварақлари режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. 2005 йил 17 сентябр (773-20-сон)	44		
30.	“Пахта толаси экспортдан тушган валюта тушумини мажбурий сотувини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида. 2005 йил 30 сентябр (1265-сон)	44		
31.	Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер ҳўжалиklarига уларга тегишли пахта ёғи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтида харид қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида. 2005 йил 7 ноябр (1520-сон)	47		
32.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари кўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида. 2005 йил 28 октябр (1455-2-сон)	47		
33.	“Марказий банкнинг 2005 йил учун йиллик молиявий, бухгалтерия ва Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоботларини тузиш тартиби тўғрисида”. 2005 йил 26 ноябр № 26-А/1	51		
34.	“Тижорат банкларида молиявий активларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”. 2005 йил 30 ноябр (1528-сон)	52		

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРОРИ**

Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 август 2005 йилдаги ПҚ-153-сонли “Унни бойитиш Миллий дастури” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Илова қилинаётган ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.
2005 йил 7 ноябр
102-сонли

С. РАҲИМОВ

Марказий банк Раиси

Тошкент ш.
2005 йил 7 ноябр
271-В-сонли

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент ш.
2005 йил 1 ноябр
6-сонли

Ф. НАЗИРОВ

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,
Марказий банки Бошқаруви ва
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2005 йил 7 ноябрдаги
(102-сонли, 271-В-сонли, 6-сонли
қарори билан тасдиқланган**

Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги Низом

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 август 2005 йилдаги ПҚ-153-сонли “Унни бойитиш Миллий дастури” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва унни бойитиш жараёнини ҳамда фортификантларни сотиб олишни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағлари бир қисмининг ҳаракати ва аккумуляция қилиш тартибини белгилайди.

1. Фортификантларни сотиб олиш учун маблағларни аккумуляция қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли “Саломатлик-2” ва “Аёллар ва болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш” лойиҳаларини амалга оширувчи кўшма бюроси (Бюро) хизмат кўрсатувчи банкда махсус 22604 - “Мижозларнинг бошқа депозитлари - Жамғарма-Мақсадли” ҳисобрақамини очади.

Мазкур Низомга асосан бойитилган унни ишлаб чиқариш ва сотишни амалга оширувчи ун ишлаб чиқарувчи корхоналарга хизмат кўрсатувчи банклар 23208-ҳисобрақамига тасдиқланган улгуржи сотув ба-

ҳоларда бойитилган унни сотишдан тушган маблағларни икки қисмга ажратадилар. Маблағларнинг 0,49 фоизи миқдоридagi қисми махсус 23208 ҳисобрақамда тўпланади ва 2 банк куни давомида дон маҳсулотлари корхоналарининг тўлов топширикномалари асосида Бюронинг махсус 22604 ҳисобрақамига ўтказилади. Маблағларнинг қолган 99,51 фоиз миқдоридagi қисмини тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 8 февралда 10-01 ва 111-В-сон билан тасдиқланган “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратилган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш Тартиби”га (1999 йил 27 феврал, рўйхат рақами 653) мувофиқ амалга оширилади.

1. “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси корхоналари ва Бюро раҳбарлари аккумуляция қилинадиган маблағлар юзасидан ҳар чоракда солиштирма далолатномалар тузишни ва улар асосида бойитилган

5

унни сотишдан ҳақиқатда тушган маблағлар ва ишлатилган фортификантлар миқдорига биноан тўловларни мувофиқлаштиришни таъминлайдилар.

2. Бюронинг махсус ҳисобрақамига тушган маблағлар фақат мақсадли равишда фортификантларни харид қилишга йўналтирилади.

3. Мазкур Низомнинг талабларига асосан ҳисобкитобларни тўғри ва ўз вақтида амалга оширишни назорат қилиш "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компания-

си корхоналари раҳбарларига, Бюронинг махсус ҳисобрақамига тушган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилади.

4. Мазкур Низом "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси билан келишилган.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг Бошқаруви раиси Э. ҚУДРАТОВ
2005 йил 6 ноябр

Марказий банкнинг 2005 йил учун йиллик молиявий, бухгалтерия ва Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоботларини тузиш тартиби

(Давоми. Боши 51 ва 52-сонларда)

VIII. Молиявий активларнинг қадрсизланиши

1-§. Молиявий активлар қадрсизланишнинг умумий белгилари.

56. Банклар ҳар бир ҳисобот санасига молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар бор-йўқлигини баҳолаши ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини оширишга зарурат бор-йўқлигини аниқлаштириши лозим.

57. Фоиз ставкасининг ўзгариб туриши қарз қимматли қоғозларининг ҳаққоний қийматига таъсир қилади. Бироқ, фоиз миқдорининг ўзгариб туриши билан боғлиқ ҳаққоний қийматнинг ўзгариши қадрсизланишга олиб келмайди.

58. Банклар мазкур бўлимда белгиланган талаблар, шунингдек, активлар сифат даражасини таснифлаш, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида Низомга (рўйхат рақами 632, 1999 йил 11 феврал) ва 13-иловага мувофиқ, молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича қоидаларидан фойдаланган ҳолда молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммасини баҳолайдилар. Банклар кўрсатилган тартиб асосида аниқланган катта миқдордаги зарарга тенг бўлган кўрилиши мумкин бўлган зарарни баҳолашни акс эттиради.

2-§. Сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активлар

59. Амортизация қиймати бўйича акс эттирилган сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу зарар мазкур активнинг баланс қиймати билан актив бўйича кутилаётган пул оқимининг жорий қиймати (ҳали қилинмаган келажақдаги зарарларни чегириб ташлаган ҳолда) ўртасидаги фарқ сифатида баҳоланади. Мазкур жорий қиймат ушбу актив бўйича дастлабки реал фоиз ставкаси (яъни дастлабки тан олишда ҳисобланган реал фоиз ставкаси)га тенг бўлган дисконт ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

60. Сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш бўйича қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56826- "Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"	XX	
Кт 15999- "Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)"		XX

3-§. Сотилган учун мавжуд қимматли қоғозлар

61. "Сотилган учун мавжуд" тоифасида таснифланган молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлганда, у ҳолда ҳаққоний қийматни тўғрилаш билан боғлиқ бўлган ва илгари тўғридан-тўғри капиталда акс эттирилган ихтиёрий кумулятив зарар ҳисобдан чиқарилади, фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10895- "Сотилган учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши"	XX	
Кт 30907- "Сотилган учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)"		XX

Ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини бекор қилиш учун:

Дт 56808- "Сотилган учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"	XX	
Кт 10899- "Сотилган учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)"		XX

Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш учун.

62. Капиталдан ҳисобдан чиқариладиган фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган кумулятив зарар суммаси активнинг баланс қиймати (ихтиёрий ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини чегириб ташлаган ҳолда) билан жорий ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ суммага тенгдир.

63. Агар кўрилиши мумкин бўлган зарар суммаси илгари капиталда тан олинган ҳақиқий қийматнинг салбий (манфий) тўғрилаш суммасидан ошиб кетадиган бўлса, у ҳолда банклар қўшимча кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммасини қуйидагича акс эттиради:

Дт 56808- "Сотилган учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"	XX	
Кт 10899- "Сотилган учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)"		XX

4-§. Олди-сотди қимматли қоғозларнинг қадрсизланиши бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш

64. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси камданкам ҳоллардагина ташкил этилади. Албатта, бунда молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисидаги объектив далиллар борган сайин аниқлашиб бориши, шу билан бирга, ушбу қимматли қоғознинг жорий ҳаққоний қиймати мазкур қадрсизланишни акс эттирмаган бўлиши лозим.

65. "Олди-сотди қимматли қоғозлари" тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этишда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56806- "Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"	XX	
Кт 10799 - "Олди-сотди қимматли қоғозларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр - актив)"		XX

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги Низомга 1-илова

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ Сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имконияти

Мақсад

Қуйидаги ҳолларда банк сўндириш муддати белгиланган молиявий активларни сўндириш муддатигача сақлаш бўйича қатъий мақсади йўқ деб ҳисобланади:

1) банк мазкур молиявий активга фақат ноаниқ вақт мобайнидагина эгалик қилиш мақсадида бўлганда;

2) банк мазкур активни ликвидли маблағларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, бозор фоиз ставкасининг ёки хавф-хатарларнинг ўзгаришларига жавобан ёки алтернатив инвестицияларнинг манфаатли имкониятлари ёки даромадлилик даражасининг ўзгаришларига ёки молиялаштириш шартлари ёки манбалааридаги ўзгаришларга ёки валюта хавф-хатаридаги ўзгаришларга жавобан (юзага келган вазият олдиндан огоҳлантиришлар бўйича банкка боғлиқ бўлмаган ва фавқулодда характерга эга бўлган муҳим ҳодисалар

сабабли ҳеч қандай асосли ҳаракат қила олмаган ҳолатлардан ташқари - 3 - илова) сотишга тайёр бўлса;

эмитент молиявий активни амортизация қийматидан сезиларли даражада паст бўлган қийматда сўндириш ҳуқуқига эга бўлса.

Имконият

Банк сўндириш муддати белгиланган молиявий активларни сўндириш муддатигача ушлаб туриш имконияти йўқ деб ҳисобланади, агар:

1) банк мазкур инвестицияга жалб этилган маблағларни уларни сўндириш муддатигача ушлаб туриш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлмаса;

2) банкнинг фаолияти қонуний ёки бошқа чеклашлар остидалиги унинг мазкур молиявий активларга нисбатан сўндириш муддатигача эгалик қилиш мақсадини бузиши мумкин бўлса.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги Низомга 2-илова

Сўндириш муддатига сақланадиган қимматли қоғозларни "сўндириш санасига оз муддат қолганда" ва "асосий қарздорликнинг қарийб барчаси ундириб олинган"да сотиш

Банк бирор молиявий активни фақатгина уни сўндириш муддатигача ушлаб туриш учун қатъий мақсад ва имконияти бўлгандагина "сўндириш муддатигача сақланадиган" актив сифатида таснифлаши мумкин. Сўндириш муддатигача сақланадиган активларни сўндириш муддатигача сотиб юборилиши "сўндириш муддатигача сақланадиган" деб таснифланган бошқа барча қолган активларни сўндириш муддатигача сақланишига шубҳа туғилишига олиб келади. Шу сабабли, қолган бошқа сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активларнинг барчасини "сотиш учун мавжуд бўлган" деб таснифланадиган активлар тоифасига ўтказилиши лозим. Бу қоида қўллаш сўндириш муддатигача сақланадиган активларни сотиш бўйича қуйидаги икки ҳолда истисно қилинади:

1) сўндириш муддатига оз қолганда;

2) асосий қарзнинг қарийб барчаси ундириб олингандан кейин.

Мазкур истисно, қарзнинг асосий қисми ундириб олинган ёки мазкур активни сўндириш муддати яқин бўлган ҳолатлар учун тегишлидир, чунки бу унинг ҳаққоний қиймати сезиларли таъсир кўрсатмайди ва банк учун молиявий активларни ушлаб туриш ёки бозордаги фоиз ставкаларини ўзгаришига жавобан сотиб юборилишининг фарқи йўқ бўлиб қолади. Ўз навбатида, бундай ҳолатларда сотиш юзага келадиган соф фойда ёки зарарга таъсир кўрсатмайди ва сўндириш муддатигача бўлган давр мобайнида нархнинг ҳеч қандай ўзгариши кутилмайди. Қуйида, мазкур истисноларни қўллаш бўйича асосий амал қилинадиган таъминотлар келтирилган:

Сўндириш муддатига оз қолганда:

Мазкур истисно фоиз ставкалари бўйича хавф-хатар мазкур қимматли қоғоз нархини шакллантириш омили сифатида тан олинмайдиган даражада бўлган ҳолатлар учун қўлланилади. Буни қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин, агар банк молиявий активни сўндириш муддатига 3 ойдан кам қолган муддатда сотса, қоида бўйича бу ҳолат мазкур истиснога мос тушади. Бу шу нарсадан келиб чиқадики, сўндириш муддати 3 ойдан кам бўлган активга ўрнатилган фоиз ставкаси билан бозор ставкаси ўртасида пайдо бўладиган фарқнинг ҳаққоний қийматга бўладиган таъсири, қоида бўйича сўндириш муддати 1 йил ва

ундан ортиқ бўлган активларга нисбатан кам бўлади.

Барча қарз суммасини ундириш:

Мазкур истисно муҳимлилик (существенности) тушунчасига асосланган. Агар банк активни, у бўйича режалаштирилган тўловлари ёки олдиндан тўловлари билан бевосита 90% ёки ундан кўп бўлган асосий қарз суммаси ундирилгандан кейин сотадиган бўлса, у ҳолда қоида бўйича бу ҳолат мазкур истиснога мос тушади. Бундай сотиш муҳим ҳисобланмайди ва шу билан бирга банкни қолган барча "сўндириш муддатигача сақланадиган" активларини сўндириш муддатигача эгалик қилиш ишончини шубҳа остида қолдирмайди.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ
АКТИВЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
3-илова**

**“БАНК ТОМОНИДАН СЎНДИРИШ МУДДАТИГАЧА
САҚЛАНДИГАН» ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ОЛДИНДАН
ОҒОҲЛАНТИРИШЛАР БЎЙИЧА БАНККА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН
ВА ФАВҚУЛОДДА ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛГАН МУҲИМ
ҲОДИСАЛАР САБАБЛИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ АСОСЛИ ҲАРАКАТ
ҚИЛА ОЛМАГАН ҲОЛДА СОТИШ**

«Банк томонидан сўндириш муддатигача сақланадиган» қимматли қоғозларни олдиндан оғоҳлантиришлар бўйича банкка боғлиқ бўлмаган ва фавқулодда характерга эга бўлган муҳим ҳодисалар сабабли ҳеч қандай асосли ҳаракат қила олмаган ҳолда сотиш, банк тасарруфидаги сўндириш муддатигача сақланадиган бошқа барча қимматли қоғозларни сўндириш муддатигача сақлаш ишончини шубҳа остига солмайди. Бундай сотишга қуйидаги ҳолатлар мисол бўла олади:

1) эмитент кредит қобилиятининг сезиларли даражада ёмонлашуви. Мисол учун, ташқи ваколатли агентликлар томонидан баҳоланадиган кредит рейтингининг пасайиши натижасида рўй берадиган сотиш, агар рейтинг даражаси пасайиши вақтида эмитент кредит рейтингининг дастлабки тан олишдаги кўрсаткичлари билан таққослаб унинг кредит қобилияти сезиларли даражада ёмонлашувини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлса, банкда бошқа сўндириш муддатигача сақланадиган инвестицияларни ушлаб туришга бўлган мақсадни шубҳа остида қолдирмайди. Мос равишда, агар банк ташқи таъсирларни баҳолашда ички рейтингдан фойдаланса, мазкур ички рейтингдаги кўрсаткичлардаги ўзгаришлар кредит қобилияти сезиларли даражада ёмонлашуви кузатилган эмитентларни аниқлашда қўл келиши мумкин, фақат шу шарт биланки, банкнинг ушбу услуги ички рейтинг баҳолашишини ва мазкур баҳолашдаги ўзгаришларни олишда эмитентларнинг кредит қобилиятига нисбатан изчил, ишончли ва объектив хулосаларни қилишга имкон берсагина. Агар молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисида тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлса, унда кредит қобилиятининг ёмонлашуви кўпчилик ҳолларда муҳим (существенный) омиллар деб қаралса;

2) сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича фоизларнинг бир қисмини солиқдан озод қилишни бекор қилиш ёки сезиларли даражада

қисқартириш билан боғлиқ солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар (солиқ қонунчилигидаги фоизли даромадга нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкасини ўзгартириш билан боғлиқ ўзгаришлардан ташқари) рўй берса;



3) банклар (хўжалик субъектлари)нинг йирик бирлашиши ёки йирик ҳисобдан чиқариш (масалан, кўпгина филиалларини сотиш)да банкнинг мавжуд фоиз ва кредит хатарлари сиёсати бўйича эгаллаган мавқеини қўллаб-қувватлаш мақсадида сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича инвестицияларни сотиш ва беришга олиб келса (агар, банкларнинг йирик бирлашиши ёки йирик ҳисобдан чиқариш ҳодисалари банк назоратида бўлган тақдирда ҳам банкнинг мавжуд кредит хатарлари ва кредит хатарлари бўйича сиёсати бўйича эгаллаган мавқеини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган инвестиция портфелидаги ўзгаришлар олдиндан кўра билиш эмас, балки оқибат сифатида қабул қилиниши лозим);

4) қонунчилик ҳужжатларида инвестицияларга берилган рухсат ёки унинг алоҳида турларининг максимал даражасига ўрнатилган талабларни сезиларли ўзгариши натижасида инвестиция портфелларидан сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни сотишга олиб келса;

5) барча банкларга нисбатан уларнинг капиталига қўйиладиган меъёрий талабларнинг сезиларли даражада ўсиши банкларнинг сўндириш муддатигача сақланадиган инвестициялар ҳажмини уларни сотиш йўли билан қисқартиришга олиб келади;

6) хавф-хатарни ҳисобга олган ҳолдаги регулятив капитални ҳисоб-китоб қилишда фойдаланиладиган, сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича хавф-хатарни баҳолашдаги сезиларли ўсиш.

(Давоми бор).



СИРДАРЁДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ

“Жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг 2010 йилгача мўлжалланган дастури” доирасида Гулистонда “Сирдарё вилояти ҳокимияти тизимида электрон ҳукуматни жорий этиш” тажриба лойиҳаси амалга оширилади бошлади.

Сирдарё вилоятида е-ҳукуматни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)-ни кенг фойдаланиш асосида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишдан, шунингдек, давлатнинг жамият билан ўзаро муносабатларини янги сифат босқичига кўтаришдан иборат. Лойиҳада, хусусан, қуйидагилар назарда тутилди:

— Сирдарё вилоятида давлат ҳокимияти фаолиятини ёритиш ва унинг тиниклигини таъминлаш учун, аҳоли билан ҳокимият, бизнес билан ҳокимият ўртасида айрим интерактив ўзаро алоқа воситаларини ишга солиш учун давлат ҳокимияти порталини яратиш;

— давлат органларига замонавий компьютер техникаси ва янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда Интернетга чиқадиган тармоқларни яратиш;

— Сирдарё вилояти давлат ҳокимияти органлари ўртасида электрон ҳужжатлардан фойдаланиш тизимини ташкил этиш;


— давлат органларининг масъул раҳбарларини ўқитиш;

— Интернетдан умумий фойдаланиш шартларини ривожлантириш.

Лойиҳа БМТ Тараққиёт дастурининг “АКТ сиёсати” лойиҳаси, Халқаро электралоқа иттифоқи маблағлари ҳисобидан, шунингдек, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси филиаллари – “Сирдарё Телеком” ва “UzNet”нинг техникавий ёрдамида амалга оширилади. Лойиҳани амалга ошириш юзасидан ўтказилган тендер қолиби – “Техносерв А/С” компанияси лойиҳанинг техник ижросини амалга оширади, шу

билан бир қаторда тизимдан фойдаланувчиларни ўқитади.

ЎзААА бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев сўзларига қараганда, 2006 йил июн ойида тугалланиши кутилаётган лойиҳанинг мақсади жамият билан давлат,




бизнес билан давлат ўртасидаги ўзаро алоқа механизмлари ишининг самарадорлигини оширишдан, давлат органлари ахборотидан ва ҳужжатларидан жамоатчиликнинг фойдаланиш имкониятини кенгайтиришдан, давлат бошқаруви органларининг фаолияти бизнес ва жамият учун очиқ ва тиниқ бўлишини таъминлашдан иборат.

Ушбу лойиҳа фақат Ўзбекистонда эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги биринчи лойиҳадир. Шу сабабли, Сирдарё вилоятида электрон ҳужжатлар айла-

нишдан самарали фойдаланишига эмас, балки бутун Ўзбекистон бўйича электрон ҳукуматни жорий этиш йўллари ҳам лойиҳанинг муваффақиятли чиқишига боғлиқ.

Давлат ҳокимияти портали аҳолига ва бизнес-тузилмаларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳақидаги ахборотни, хусусан, уларнинг манзили, иш соатлари, алоқа боғлаш учун маълумотлари, минтақавий янгиликлар, об-ҳаво ва бошқа ахборот берилишини таъминлайдиган замин вазифасини ўтайди. Шунингдек, у ўзаро алоқанинг интерактив воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу восита хусусий сектор ва аҳоли давлат органларига сўровлар билан муносабат қилиши, ушбу сўровларни онлайн режимида қўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориши ҳамда ўз вақтида жавоб олиши учун имкон беради.



Тажриба лойиҳани амалга ошириш учун айнан Сирдарё вилояти танлаб олинганлиги бежиз эмас. Объектлар зич жойлашганлиги, вилоят ҳокимиятидагилар электрон ҳужжатлар айланишини жорий этишни тушунганлиги ва истаганлиги, яхшигина телекоммуникация инфратузилмасининг мавжудлиги лойиҳанинг барча қисмлари тўла-тўқис амалга оширилишига умид қилиш имконини бермоқда.

Infocom.uz. журнали материаллари асосида.

ХАТАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИТ-ТАЪМИНОТИ

Ривожланган бозорларда деярли ҳамма хатар турлари учун дастурлар ишлаб чиқилган. Дунёда кредит ва бозор хатарлари учун, шунингдек ликвидлик хатарлари учун жавоб берадиган тизимларнинг компонентлари гоёт сифатли ишлаб чиқилган.

Хилма-хил хатар турлари ҳар хил ахборот манбаларига боғланган. Хусусан, валюта (бозор) хатарларини бошқариш котировкалар, валюта курслари бўйича маълумот манбаларига боғланган бўлиб, бундай хатар турларини бошқариш учун мўлжалланган тизимлар бир-жа ахборотини тўплайдиган манбаларга асосланади.

Ликвидлик хатарларини бошқариш учун кириш анча қийин бўлган маълумот манбаларидан - ҳам амалга ошириладиган, ҳам режалаштириладиган барча актив ва пассив операциялар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш талаб қилинади. Кредит муассасаси фақат ўз маълумот омборидан фойдаланибгина узоқ муддатли ликвидликни нормал бошқариши мумкин. Мазкур омборда кредит муассасасининг барча актив ва пассив операциялари бўйича ахборот тўплаб борилади. Бу технология ташкилот учун янгилик бўлиб, уни жорий этиш осон эмас, асло.

Операция хатарлари - уларни бошқариш учун зарур бўлган ахборотни олиш мураккаблигига ёрқин мисолдир. Базель II тавсия этадиган методология бўйича банк камида беш йил мобайнида амалга оширилган хатарли операциялар архивини тўплаб бориши керак. Банк тегишли тизимни жорий этишга қанча кеч киришса ва қанча кеч ахборот тўплаб бошласа, хатарли операцияларни шунча кеч бошқара оладиган бўлади. Умуман олганда, маълумотлар омбори хатарларни бошқаришнинг комплекс тизими учун энг универсал восита бўлиб, айнан маълумотлар омбори хатарларни бошқариш тизимининг энг муҳим компоненти сифатида Базель II томонидан тўғридан-тўғри тавсия этилади.

Бироқ, модомки биз хатарларни бошқаришнинг мукамал тизими ҳақида гапирар эканмиз, бу борада омбордаги воситалар мутлақо камлик қилади. Хатарларни бошқаришнинг замонавий усуллари турли ҳолатларни сценарий сифатида моделлаштиришни назарда тутди. Масалан, келгусидаги ликвидликни ва кэшфлоуни таҳлил қилиш учун режадаги битимларнинг турли вариантларини киритиш ва баҳолаш механизидан фойдаланилади. Бу ихтисослаштирилган дастурий таъминотнинг вазифасидир.

Ушбу соҳада ихтисослаштирилган дастурий таъминотдан ҳам (Advanced Measurement Approachни қўллаганда бу дастурий таъминотсиз иш битмайди), Business Intelligence технологиясидан ҳам фойдаланиш (эҳтимол, яна шу ихтисослаштирилган дастурий таъминотнинг бир қисми сифатида) зарур. Биринчи дастурий таъминот бошланғич маълумотларни тайёрлаш ва тозалаш учун керак бўлса, иккинчи дастурий таъминот қарорлар қабул қилиш вақтида керак бўлади. Шу билан бирга маълумотларни “тозалаш” пировардида шунчаки янги эмас, балки чинакам билимга эга бўламиз деб умид қилиш имконини беради. Маълумотларни “тозалаш” - фундаментал ва узил-кесил ечимга эга бўлмаган муаммодир.

Умуман айтганда, банк билан дастурлар тузувчи компания яқиндан ҳамкорлик қилмаса, хатарни бошқариш бўйича бирорта ҳам дастурий маҳсулотни яратиш бўлмайди. У ёки бу хатарларни баҳолаш учун дастурий таъминот яратиш чоғида муаммони ҳал қилишнинг ягона ва универсал алгоритми бўлиши мумкин эмас. ИТ-компаниянинг бир ўзи кейинчалик банкчилар талаб қиладиган бирон-бир нарсани мустақил ўйлаб топа олмайди. Шундай экан, банкнинг хатарни бошқаришга хизмат қиладиган дастурий таъминотни яратиш жараёнига жалб этилиши - асосий қарор ҳаётий бўлишининг шартидир. Жаҳон амалиёти ҳам шундан далолат беради: хатарни бошқариш соҳасидаги энг машҳур дастурий маҳсулотларни дунёнинг гигант банклари - JP Morgan (“Horizon”) ва Deutsche Bank (“Ortos”) яратган.

БАНКДА БИОМЕТРИЯ

Биометрик хавфсизлик тизимлари... Бундан бор-йўғи етти йил аввал шахсни таниб олишга хизмат қиладиган ушбу гаройиб восита Голливуд кинорежиссёрларининг илҳом маҳсули, деб ҳисобланар эди. Кўзнинг тўр пардаси сканерда акс этиши билан, залворли эшикларнинг очилиши ёки бармоқ излари олинганидан кейин компьютер дастурларига кириш - кечагина кино гаройиботи бўлган бу усуллар ҳозир жаҳон бизнесида, энг аввало банк бизнесида оддий воқеага айланиб қолмоқда.

Ҳозир бирон-бир бинога ёки компьютер дастурига киришнинг ва ходимлар ишга қачон келиб, қачон кетаётганини назорат қилишнинг энг мукамал тизимлари биометрик сканерларга асосланмоқда. Айнан биометрик идентификаторлар қоғоз гувоҳномалар, пароллар тизими ва PIN-кодлар ўрнини эгаллаши керак. Лекин биометриянинг ҳақиқий авжи ҳали олдинда.

Банк офисларидаги PIN-кодли кулфлар, магнит карталар, масофадан ўқиш карталари аста-секин биометрик сканерлар билан алмаштирилмоқда. Шу тариқа, бинога ёки компьютер тармоғига кириш учун классик “исм/парол” схемаси ўрнига ўз стилингиздаги мўъжазгина сканерга бармоғингизни қўйсангиз, шунинг ўзи кифоя.

Шундай қилиб, биометрик хавфсизлик тизимларининг моҳияти шуки, уларда шахсни ноёб физиологик ва психологик хусусиятлари бўйича таниб олиш имконини берадиган компьютер тизимларидан фойдаланилади. Жўнроқ қилиб айтадиган бўлсак, сиз билган парол ёки қўлингиздаги гувоҳнома эмас, балки сизнинг ўзингиз, аниқроғи, қўлингиз, юзингиз ва кулоқларингиз шакли, бармоқларингизнинг папиллар излари, сўзлаш, ёзиш услубингиз ёки ҳатто ДНК тузилиши ҳам бинога кириш ёки яширин ахборотни олиш учун рўхсатнома вазифасини ўтайди. Калит ёки PIN-кодлардан фарқли ўлароқ, сиз ўз биологик кодингизни унутиб қолдира олмайсиз ёки йўқотиб қўя олмайсиз, бунинг устига мазкур кодни сохталаштириш ва ўғирлаб олиш ҳам қийин.

Кўпчилик биометрик хавфсизлик тизимларининг иш усули бир хил: тизимнинг маълумотлар базасида бармоқ, кўз рангдор пардасининг рақамли излари ёки овоз модуляцияси сақланади. Микрофон ёки сканер ёрдамида бирон-бир жойга ёки тизимга кирмоқчи бўлган одам ўзи ҳақидаги ахборотни тизимга киритади. Киритилган маълумотлар базада сақланаётган намуна билан таққосланади, шундан кейин компьютер сизни киритиш ёки киритмаслик ҳақида қарор қабул қилади.

Ҳозирги кунда биометрик аутентификация (ўхшатиш, таниб олиш)нинг кўпдан-кўп усуллари мавжуд.

Шуларнинг баъзилари ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз. Дактилоскопик тизимлар муайян устунликка эга.

Биринчидан — ушбу тизимлар бошқа биометрик тизимларга қараганда арзонроқ, иккинчидан — техник жиҳатдан бошқа барча тизимлардан кўра анча ихчам, учинчидан — улар объектда мавжуд бўлган ҳар қандай киришни бошқариш тизимларига анча осон интеграциялашади ва туртинчидан — улар қўлайроқ. Чунки, камерага кўз ёки кулоқни бир неча марта тўғри рўбарў қилишдан кўра бармоқни сканерга бир неча марта босиш осонроқ. Ҳозирги кунда кўпгина банкларда дактилоскопик тизимлар ёрдамида пароллар муаммосини ҳал

қилишга ва компьютер серверларининг ҳимоя даражасини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Мутахассислар одамни юз тузилиши бўйича идентификация қилиши биометрия индустриясининг энг жўшқин ривожланиб бораётган йўналиши деб атамоқдалар. Унинг жозибадорлигининг сири шундаки, ушбу усул одамларнинг бир-бирларини танишларига жуда ўхшаб кетади.

Фойдаланувчиларни қўл геометрияси бўйича идентификациялаш усулини мутахассислар баъзан “бармоқ изининг укаси” деб аташади, чунки уни технологик таркиби ва ишончлилик даражаси жиҳатидан бармоқ изига қараб идентификациялаш усули билан қиёслаш мумкин. Аммо ҳозирча бу усул бир неча баравар кам қўлланилмоқда.

Кўзнинг рангдор пардасини ва тўр пардасини сканерлаш асосида бинога ёки компьютер тизимига кириш технологиялари МДХ мамлакатларида ҳозирча камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Айни вақтда АҚШда бу технологиялардан бир неча минг банк ва банкوماتлар фойдаланмоқда. Улар миқозларни кўзига қараб таниб олишдан ташқари, “ўз” одамларини таниб қолади, ҳатто улар билан исмини айтиб саломлашади.

Биометрик аутентификациянинг юқорида тасвирланган усуллари билан ташқари ДНК бўйича идентификация қилиш каби усуллар ҳам бор.

Лекин, бизнинг биометрик хавфсизлик тизимлари билан ишлаш борасидаги тажрибамиз бу соҳа экспертларини иккита баҳслашувчи томонга ажратиб юборди. Бир томон қатъий қилиб: бу соҳада ҳимояни сохталаштириш имконияти нолга тенг, демоқда. Иккинчи томон мутахассислари эса ҳозирги замон биометрик ҳимоя даражаси анча юқори деган фикрга қўшилган ҳолда, ушбу тизимлар барибир замонавий технологиялар билан қуролланган “илғор” жиноятчилар ҳужумидан ҳимояланган эмас, деб ҳисоблайди.

Биометриянинг заифлиги асосан шундаки, биометрик маълумотлар қолдирилганидан кейин уларни ўғирлаш мумкин. Масалан, одам бармоғини ўқийдиган қурилмага қўйиб турган ва компьютер рақамланган бармоқ изини “ўғирлаш” тажрибали хакер учун иш эмас. Шу билан бирга, агар хакер сизнинг бармоғингизни “ўғирлашга” муваффақ бўлса, кейинчалик ундан истаганча фойдаланиб, серверни тақдор ва тақдор алдай олади. Ҳақиқий биометрик ахборот хен шифрланмайди ҳамда уни сенсор билан текширувчи дастур ўртасидаги каналда ушлаб олиш, кейинчалик эса бинога ёки компьютер тизимига яширинча кириш учун ишлатиш мумкин бўлади.

Бирок, корпоратив сирларни қўлга киритиш учун одам ҳар нарсага қодир! Экспертларнинг фикрича, биометрия бозорининг жўшқин ривожланишига иккита асосий омил тўққонлик қилмоқда: биринчидан, нархлар баланд ва иккинчидан, одамлар юқори технологияларнинг ушбу турига унчалик ишонмаётгани.

Аммо нима бўлганда ҳам, статистика маълумотларига кўра, жаҳон биометриясининг йиллик ривожланиш суръати ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил қилмоқда. Юқори технологиялар соҳасида таназзул ўзи бериб турган бир пайтда бу жуда юқори кўрсаткичдир. Барча тахминларга кўра, техник хавфсизлик бозорининг келажаги биометрияга боғлиқ.



O'ZBEKISTON-TURKIYA BANKI

**Hurmatli mijozlar, aksiyadorlar,
O'zbekiston aholisi va mehmonlar!**

**Sizlarni kirib kelgan 2006 yil hamda
Qurbon hayiti bilan samimiy tabriklaymiz.
Sizlarga mustahkam sog'liq, oilaviy baxt-
saodat tilaymiz!**



**Yangi yil barchangizning xonadoningizga
shodu xurramlik, qut-baraka olib kirsin!**

"ЎЗБЕКНЕФТГАЗ"НИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

"Ўзбекнефтогаз" миллий холдинг компанияси (МХК) нефт ва газ конларини очиш мақсадида геология-қидирув ишларини олиб бориш учун бўлажак хорижий инвесторларга 12 та янги инвестициялар туркумини таълим қилишни режалаштирмоқда, деб хабар берди "Ўзбекнефтогаз" бош менежери Шавкат Мажидов "Марказий Осий энергия бозори: тамойиллар ва истиқболлар" мавзусидаги халқаро конференцияда.

Унинг сўзларидан маълум бўлишича, мана шу ўн иккита туркум бўйича қазиб олинган углеводород ресурсларининг тахмин қилинаётган умумий миқдори газ бўйича 1,5 трлн. кубометрдан кўпроқни, суюқ углеводородлар бўйича эса 350 млн. тоннани ташкил қилади.

Хозирги вақтда "Ўзбекнефтогаз" янги туркумлар бўйича ахборот-маълумот материалларини тайёрламоқда. Бу материаллар чет эллик инвесторларга 2006 йилда тақдим этилиши кутилмоқда.

Геология-қидирув ишларини жадаллаштириш натижасида Ўзбекистонда 2002 йилдан бошлаб углеводород хом ашёси захиралари уни қазиб олишга қараганда илдам суръатлар билан кўпайиб боришига эришилди, деб таъкидлади Ш. Мажидов.

У 2000-2004 йиллар мобайнида Ўзбекистонда 18 та янги нефт ва газ конлари очилганлигини, шулардан 9 таси юқори даражада истиқболли Уст-Юрт минтақасида жойлашганлигини кўрсатиб ўтди.

"Ўзбекнефтогаз" маълумотларига қараганда республика ҳудудида нефт ва газ қидириш нуқтаи назаридан истиқболли бўлган 31 та инвестициявий туркум мавжуд. Шу жумладан, 13 та инвестициявий туркум чет эллик инвесторларга сотиш учун тайёрлаб қўйилган, 9 та туркум бўйича эса музокаралар олиб борилаётган.

Нефт-газ конларини қидириш ва очиш ҳақида "Ўзбекнефтогаз" билан битим тузган инвесторлар орасида Россиянинг "Лукойл" ОАЖ, "Газпром" ОАЖ, Хитойнинг CNPC, Малайзиянинг Petronas компаниялари ва бошқалар бор.

"Туркистон-пресс" НАА.

"ЎЗФАРМСАНОАТ" КОРХОНАЛАРИГА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

Мамлакатда таълим даражаси юқори бўлгани ҳолда ишчи кучи нисбатан арзонлиги мураккаб ишлаб чиқариш тармоқларига кўплаб чет эл инвестициялари кириб келишига сабаб бўлмоқда. Фармацевтика ана шундай тармоқлар жумласидандир.

Яқинда "Ўзфармсаноат" давлат-акциядорлик концерни (ДАК) вакиллари 2006-2010 йиллар мобайнида чет эл инвестицияларини жалб этиш режалари хусусида баёнот бердилар. Ушбу концерн ҳозирги вақтда 70 дан ортиқ фармацевтика корхонасини бирлаштиради. Булар орасида 18 та қўшма корхона (КК) бўлиб, улар тармоқ бўйича барча маҳсулотнинг 65 фоизини ишлаб чиқармоқда. 1994 йилдан 2004 йилгача "Ўзфармсаноат"га 104,5 млн. АҚШ доллари миқдорида чет эл сармоялари инвестицияланди.

ДАКнинг чет эл инвестицияларини жалб этиш бўлимидан хабар қилишларича, 2006-2010 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун 72,2 млн. АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояларини жалб этиш режалаштирилмоқда.

Концерн томонидан ишлаб чиқилган дастур 5 та лойиҳани ўз ичига олади. Жумладан, дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга 8,8 млн. АҚШ

доллари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга 3 млн. АҚШ доллари, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 60,4 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар сарфлаш режалаштирилмоқда.

Дастур доирасида Швейцариянинг "Eastwest Interaction AG" компанияси билан "Ўзфармсаноат" бир марта иш тиладиган, ўз-ўзидан парчаланиб қолган шприцлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Фармпласт" ҚК ташкил этишни режалаштирмоқда. Қўшма корхонанинг баҳоси 40 млн. АҚШ доллари тенг бўлиб, унга 24,6 млн. АҚШ доллари миқдорида бевосита инвестициялар жалб этиш назарда тутилади. Люксембургдаги "Ray Projects" компанияси 35,8 млн. АҚШ доллари миқдорида бевосита инвестициялар жалб этиб, тиббий трикотаж газламалар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда.

Режалаштирилган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш Ўзбекистоннинг каттагина фармацевтика бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан таъминлашни анча яхшилаш имконини беради. Бу эса аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ижобий таъсир кўрсатади ва, шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиётининг жуда катта инвестиция саноатига эга бўлган бошқа тармоқлари учун намуна бўлади.

РОССИЯ БАНКИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИНИ ПАСАЙТИРИШДА ДАВОМ ЭТАДИ

МБ раисининг биринчи ўринбосари Алексей Улюкаев матбуот анжуманида шундай деди. Унинг сўзларига қараганда, янги йилда мақбул қайта молиялаш ставкаси инфляция даражасидан 1-1,5 фоиз пунктига юқори бўлиши керак.

"Яқин вақт ичида биз фақат қайта молиялаш ставкаси билан эмас, балки депозит аукционлари, ломбард кредитлари бўйича ставкалар билан, яъни МБ ва тижорат банклари ўртасидаги пулнинг бозор нархини белгилаб берадиган барча ўзаро муносабатлар билан

боғлиқ бўлган бир туркум масалаларни кўриб чиқмоқчимиз", - деди А. Улюкаев ва янги йил бошида МБнинг қайта молиялаш баҳоси билан боғлиқ барча чора-тадбирларга тузатишлар киритиш масаласини кўриб чиқиш режалаштирилмоқда, деб қўшиб қўйди.

Унинг айтишича, Марказий банк облигациялари, векселлари ва кредит талабномалари таъминот сифатида қабул қилинадиган эмитентлар доирасини кенгайтириш имкониятини кўриб чиқади. Бундан ташқари, А. Улюкаев МБ рейтингсиз кредит портфелларини гаровга олган ҳолда маблағлар жалб этиш тадбирини соддалаштиришни режалаштириб қўйди.

Ахборот ва статистика бўлими томонидан тайёрланди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" Бошқаруви хўжалик субъектларига ва jisмоний шахсларга маълум қиладики, "Ўзсаноатқурилишбанк" Кенгашининг 2005 йил 21 ноябрдаги 51-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссиясининг 2005 йил 21 декабрдаги 43/2-сонли қарорларига асосан "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Андижон вилояти Хонобод шаҳри, Зиёкор кўчаси 2-уйда жойлашган

ХОНОБОД ФИЛИАЛИ ТУГАТИЛАДИ.

Мурожаат учун телефонлар:

8-(3742) 22-19-46 8-(374) 734-23-89
8-(374) 734-31-58 8-(374) 734-11-89

BAHAR AXBOROTIOMANI

АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш "Заковат"
ижтимоий жамғармаси

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, "Туркистон-пресс" НАА,

"Иқтисодиёт ахборот агентлиги",

"Бухоро-пресс" АА.

Реклама ва эълонлар учун
137-23-71

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент, Пушкин кўчаси,

59-уй.

e-mail: bankingnews@tsht.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Т Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-304

Тираж 7832 нуска.

Босишга рухсат этилди

3.01.2006 й.